

**МУСАЕВ Ҳасан Нарзикулович,**  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти  
профессори, иқтисод фанлари доктори

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

УДК 336.67

## ***МУСАЕВ Ҳ.Н. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ***

Бозор муносабатларини ривожлантириш, корхоналарда бошқарув тизимини янги талабларга мослаштириш ушбу субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисобига бевосита боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби орқали хўжалик юритувчи субъектларда республикамизда қабул қилинаётган иқтисодий қонунлар ва улардан келиб чиқадиган вазифалар татбиқ қилиб борилади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада янги шароитда бухгалтерия ҳисобининг ролини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: Иқтисодий ислохатларнинг янги босқичи, Ҳаракатлар стратегияси, бухгалтерия ҳисоби тизими, иқтисодий қонунлар, ислохотлар, бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш.

## ***МУСАЕВ Х. Н. РОЛЬ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В ПОДНЯТИИ НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ И ПУТИ ЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ***

Развитие рыночных отношений, приведение в соответствие деятельности хозяйствующих субъектов новым требованиям зависит от системы ведения бухгалтерского учета в данных субъектах. Экономическое законодательство и вытекающие задачи по их исполнению в субъектах предпринимательства внедряются посредством системы бухгалтерского учета. В данной статье рассмотрены пути развития данной сферы и выработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию бухгалтерского учета.

Ключевые слова: Новый этап экономических реформ, Стратегия действий, системы бухгалтерского учета, новые объекты бухгалтерского учета, совершенствование бухгалтерского учета.

## ***MUSAEV H.N. THE ROLE OF ACCOUNTING IN THE RISE TO THE NEW LEVEL OF THE NATIONAL ECONOMY AND THE WAY OF ITS IMPROVEMENT***

The development of market relations, aligning the activities of economic entities with new requirements depends on the system of accounting management in these entities. Economic legislation and the tasks arising to perform these in business entities are implementing through perfection of accounting system. In the article, the ways of development of this sphere are considered and appropriate proposals and recommendations for improving accounting have been worked out.

Key words: A new stage of economic reforms, the Strategy of Action, accounting systems, new accounting facilities, the improvement of accounting.

**Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Иқтисодийни барқарор ўсиши маълум таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш орқали амалга оширилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси ривожланишини 2017-2021 йилларда янги босқичга кўтариш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси айнан ушбу масалага қаратилган. Мазкур ҳужжатга асосан макроиқтисодий барқарорлик янада ривожлантирилади, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш кўзда тутилмоқда, корхоналарнинг экспорт салоҳияти ошади, миллий иқтисодий тармоқларига кўплаб инвестициялар киритилади, хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш таъминланади. Ушбу чоратадбирларнинг асосида инсон манфаатлари ва унинг фаровонлигини ошириш ётади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантириш турли тармоқлардаги корхоналарда бошқарув тизимини янги талабларга мослаштириш - ушбу субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тартиб қоидаларига бевосита боғлиқдир. «Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларни яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотларини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборат»<sup>2</sup>. Бухгалтерия ҳисоби кишилик жамияти ривожланиши, унинг фаолият юритиш тартиби билан бевосита боғлиқдир. Америкалик соҳа олимлари профессорлар Б. Нидлз, Х. Андерсон ва амалиётчи-бухгалтер Д. Колдуэллларнинг фикрича: «Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти билан бошқарув қарорларини қабул қилувчи кишилар ўртасида алоқа боғловчи восита бўлиб ҳисобланади»<sup>3</sup>. Бухгалтерия ҳисобининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи жамият тарраққиёти, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар билан узвий

боғлиқ бўлган. Ғарб олимлари М.Р. Мэтьюс ва Х.Б. Перералар ўз дарсликларидида ижтимоий тараққиёт ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги алоқани қуйидагича асослаганлар: «... ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар бухгалтерия ҳисоби асосий омилига айланган бўлса, ўз навбатида, ижтимоий ўзгаришлар ҳам бухгалтерия ҳисоби ривожланиши билан узвий боғлиқдир»<sup>4</sup>. Ўзбекистонлик соҳа олими, профессор М. Остонақуловнинг дарслигида ҳам жамият ҳаёти ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги алоқалар ўз аксини топган: «Жамият ҳаётини асоси моддий неъматлар ишлаб чиқариш бўлгани учун ҳам кишиларнинг ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш, жамиятда бор бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини, шунингдек, меҳнат жараёнларини ҳисобга олиш мақсадида ҳисобдан фойдаланилган»<sup>5</sup>. Россиялик таниқли олим, профессор В.Ф.Палий бухгалтерия ҳисобининг предметини қуйидагича таърифлайди: «... бухгалтерия ҳисобининг предмети корхона фаолиятига маблағ сифатида киритилган капитал, унинг кўпайиши ёки камайиши билан боғлиқ жараёнлардан иборат»<sup>6</sup>. Гарвард университетининг (АҚШ) профессорлари Р.Энтони ва Дж. Рисларнинг дарслигида бухгалтерия ҳисобининг мазмуни қуйидагича ифодаланган: бухгалтерия ҳисоби – «... бу ахборотлардан фойдаланувчилар томонидан асосли баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш мақсадида иқтисодий ахборотларни аниқлаш, ўлчаш ва узатиш жараёнидир»<sup>7</sup>. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юқоридаги фикрларни эътиборга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисобига қуйидагича тариф бердик: *бухгалтерия ҳисоби - бу корхоналар фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш мақсадида содир бўлаётган*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган: «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)». 2016 йил 13 апрель.

<sup>3</sup> Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета / Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. -М: Финансы и статистика, 2003, с.13.

<sup>4</sup> Мэтьюс М.Р. Перера, М.Х.Б. Теория бухгалтерского учета. Учебник./ Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. И. А. Смирновой.- М: Аудит, ЮНИТИ, 1999, с.65

<sup>5</sup> Остонақулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. Иккинчи нашр.-Т: «Iqtisod-moliya » , 2007, 5-6.

<sup>6</sup> Палий В.Ф. Теория бухгалтерского учета: современные проблемы.- М: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2007, с.11.

<sup>7</sup> Энтони Р. , Рис Дж. Учет: ситуации и примеры: Пер. с англ./ Под ред. и с предслов. А.М.Петрачкова –М: Финансы и статистика, 1996,с. 16.

жараёнларни доимий, узлуксиз ва ялписига кузатиш, ўлчаш ва ахборотларни шакллантириш тизимидир. Бухгалтерия ҳисоби корхона ҳўжалик механизмининг таркибий қисми сифатида унинг бошқа дастаклари билан узвий боғланган бўлиб бир-бирини тўлдириб боради.

Эркин рақобат ҳуқумронлик қилаётган шароитда бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаси ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини ва молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бухгалтерия ҳисоби орқали турли мулкдаги ҳўжалик юритувчи субъектларда республикамизда қабул қилинаётган иқтисодий қонунлар ва улардан келиб чиқадиган вазифалар тадбиқ қилиб борилади, уларнинг ижроси назорати таъминланади. Шунинг учун корхоналарнинг «ҳисоб сиёсати» тармоқлар, миллий иқтисодиётнинг «ҳисоб сиёсати»га мос келиши керак.

Ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожланишини янги босқичга кўтариш, «Ҳаракатлар стратегияси»даги устувор йўналишларни амалга ошириш бухгалтерия ҳисоби олдига янги ва вазифаларни қўймоқда, уни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Янги шароитда, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш деганда, бизнинг фикримизча унинг юритилиш шакллари, усуллари ва тамоилларини «Ҳаракатлар стратегияси»даги вазифалар талаблари асосида юритиш орқали корхоналарнинг иқтисодий-молиявий барқарорлигини таъминлаш тушунилади.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, бухгалтерия ҳисобига оид қатор миллий стандартлар (БҲМС) ишлаб чиқилган бўлсада, корхоналар амалиётида ушбу соҳада маълум камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Тадқиқот натижаларига асосланиб, ушбу масалаларнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Янги шароитда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз:

• Бухгалтерия ҳисобининг назорат функциясини кўтариш масаласи. Қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларда бухгалтерия ҳисобининг назорат қилиш функцияси тўлиқ ўз аксини топмаган. Янги таҳрирдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан йирик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил эти-

лиши, бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари, унга қўйилган талаблар келтирилган, лекин бугунги кунда ўта муҳим бўлган кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби ушбу ҳужжатда тўлиқ ўз ифодасини топмаган;

• Бугунги кунда, республикамизда бухгалтерия ҳисоби ҳўжалик юритувчи субъектларда, бюджет ташкилотларида, банкларда турлича шакллар ва тамоиллар асосида юритилмоқда. Ушбу субъектларда бухгалтерия ҳисобининг муҳим усули ва шarti бўлган «Счетлар режаси» ҳам турличадир. Бундан келиб чиқиб турли счетлар режасига мос равишда турлича ҳисоб регистрлари қўлланилмоқда. Натижада, тармоқлар ва миллий иқтисодиёт даражасида иқтисодий кўрсаткичларни умумлаштириш қийин кечмоқда. Тармоқ, фаолият туридан қатъий назар, иқтисодиётнинг тармоқларида ягона тамоиллар асосида бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва ягона «Счетлар режаси»дан фойдаланилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда корхоналар амалиётида бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган шаклининг кенг жорий этилиши иқтисодиёт тармоқларида ягона бухгалтерия ҳисоби тизимига ўтишга имконият беради;

• Бозор иқтисодиёти талаблари ва «Ҳаракатлар стратегияси»даги вазифалар эътиборга олиниб бухгалтерия ҳисобини янги объектлари илмий жиҳатдан асосланиши керак. «Бозор иқтисодиёти», «билим иқтисодиёти», «кўпмулкчиликка асосланган иқтисодиёт», «ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга асосланган иқтисодиёт» шароитида корхоналар (ташкилотлар)га кўпроқ даромад (фойда) келтирадиган бухгалтерия ҳисоби объектларини асослаш ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай объектларга «Ҳаракатлар стратегияси»да кўзда тутилган таркибий ва институционал ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнлар, солиқ юкини камайтириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар, инвестициялар, импорт-экспорт операциялари, пул-валюта маблағлари билан боғлиқ жараёнлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, ресурслар ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар, янги техника ва технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ жараёнлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик жараёнларни ҳисобга олиш учун «Счетлар режаси» га янги счетларни киритиш лозим;

• Бухгалтерия ҳисоби орқали ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги таъ-

минланади. Бунинг учун корхонанинг таваккалчиликлари, иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичлари илмий жиҳатдан асосланиши ва ҳисобга олиниши керак. Бу ўз навбатида корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичларини ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳисоби счетларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир;

- Корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг якуний босқичи «Молиявий ҳисобот» ларни тузиш ва тақдим қилиш билан барҳам топади. «Молиявий ҳисобот»да корхона маблағлари, уларнинг манбалари 1-шалк: «Бухгалтерия баланси»да ўз аксини топади. Олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) «Молиявий ҳисобот»нинг 2-шакли: «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» да мужассамланган бўлади. Ушбу ҳисобот тўғри, асосли ва ҳаққоний тузилган бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда ушбу ҳисоботга корхонанинг «ташриф қоғози» деб қараш керак. Чунки, ушбу ҳисобот шаклидаги маълумотлар асосида солиқ органлари, таъминотчилар, сотиб олувчилар, банклар ва бошқа манфаатдор шахслар билан ўзаро шартномалар тузилади ва ҳисоб-китоблар олиб борилади. Ушбу масалаларда корхона бошлиғи ва бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг маъсулиятлари янада оширилиши лозим;

- «Молиявий ҳисобот»ларни тузиш ва тақдим этиш муддатлари эскирган бўлиб давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Ушбу муддатлар

қайтадан кўриб чиқилиб янги мазмундаги ҳужжатларда ўз аксини топиши керак деб ҳисоблаймиз. Мисол учун, йиллик «Молиявий ҳисобот»ларни тақдим этиш муддати, келгуси йилнинг 15 январигача қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. «Молиявий ҳисобот» ларни тузиш ва тақдим этишда халқаро тажрибалар ва стандартлардан кенг фойдаланиш лозим;

- Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш соҳа мутахассисларининг касбий маҳоратига бевосита боғлиқ. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабалари ушбу касбни фақат назарий жиҳатдан ўрганишлари етарли эмас. Уларни олинган назарий билимлари амалиётдаги кўникмалар билан доимий равишда уйғунлаштирилиб борилиши керак. Ушбу масаланинг ижобий ҳал қилиниши талабалар амалиёти тўғрисидаги амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришни тақозо қилади. Мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар, талабалар энг илғор корхоналарда амалиётни ўташлари керак;

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг ижобий ҳал этилиши ва корхоналар фаолиятида жорий қилиниши, шак-шубҳасизки ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янги босқисга кўтаришга хизмат қилади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси».
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)». 2016 йил 13 апрель.
3. Нидлз Б. и др. «Принципы бухгалтерского учета» / Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл: Пер. с англ./Под ред. Я.В. Соколова. - М: Финансы и статистика, 2003, с.13.
4. Мэтьюс М.Р.Перера, М.Х.Б. «Теория бухгалтерского учета». Учебник./ Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. И. А. Смирновой.- М: Аудит, ЮНИТИ, 1999, с.65
5. Остонақулов М. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси». Дарслик. Иккинчи нашр.-Т: «Iqtisod-moliya», 2007, 5-б.
6. Палий В.Ф. «Теория бухгалтерского учета»: современные проблемы. - М: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2007, с.11.
7. Энтони Р, Рис Дж. «Учет: ситуации и примеры» Пер. с англ./ Под ред. и с предисловием А.М. Петрачкова –М: Финансы и статистика, 1996,с. 16.